

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

03/41-3-7260 – сон

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Солиқ қўмитаси  
25-29522 – сон

“ 02 ” апрель 2024 йил

**Халқаро молия институтларининг  
Ўзбекистон Республикасидаги  
ваколатхоналари**

**Халқаро молия институтлари  
иштирокидаги лойиҳаларни амалга  
ошириш гуруҳлари**

Халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотлари (*кейинги ўринларда ХМИ/ХХМТ*) маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида сотиб олинadиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш, шунингдек уларни олиб киришда қўшилган қиймат солиғидан вақтинчалик имтиёз қўллаш юзасидан қўйидагилар маълум қилинади.

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддаси қирқ бешинчи қисмига асосан, бюджет ташкилотлари томонидан халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида, шунингдек давлат корхоналари ҳамда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорида ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар томонидан инфратузилма лойиҳалари учун халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи (бундан Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали қайта молиялаштириладиган ёки қайта кредитладиган халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари мустасно) ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида сотиб олинadиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек уларни олиб кириш **2028 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши** белгиланган.

Шу муносабат билан, 2020 йил 1 июлдан кейин маъқулланган қўйидаги лойиҳалар доирасида **2028 йил 1 январга қадар ҚҚСдан имтиёзлар** амал қилади:

- бюджет ташкилотлари томонидан ХМИ/ХХМТдан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган лойиҳалар;

- давлат корхоналари ҳамда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорида ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар томонидан

ХМИ/ХХМТдан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган инфратузилма лойиҳалар.

Мазкур вақтинчалик ҚҚС имтиёзлари ХМИ/ХХМТнинг 2020 йил 1 июлдан кейин маъқулланган қарз шартномаларига нисбатан ва улар бўйича **2023 йил 16 ноябрдан эътиборан** юзага келган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Бунда, 2023 йил ноябрь ойи учун лойиҳани амалга ошириш доирасида тўланган ҚҚС суммасини республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилган бўлса, 2023 йил декабрь ойидан бошлаб имтиёз қўлланилади.

**2. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонуни 18-моддасига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилиши белгиланган.**

Солиқ кодекси 75-моддасига асосан солиқ тўловчилар солиқлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар юзага келган пайтдан эътиборан уларнинг бутун амал қилиш даври мобайнида фойдаланишга ёки солиқ имтиёздан фойдаланишдан воз кечишга ёхуд ундан фойдаланишни бир ёки бир неча солиқ даврларида тўхтатиб туришга ҳақли, бундан ҚҚСдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш мустасно.


Шунингдек, лойиҳада амалга ошириш **муддати кўрсатилмаган** ёхуд 2028 йил 1 январдан **узукрок муддат кўрсатилган** бўлса, ҚҚС имтиёзлари лойиҳа доирасида Солиқ кодексининг 483-моддаси қирқ бешинчи қисмига мувофиқ **2028 йил 1 январга қадар амал қилиши тушунтирилади.**

Лойиҳа иштирокчилари тақдим этилган имтиёздан нотўғри фойдаланишларини олдини олиш мақсадида, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича шахсий кабинетлари орқали куйидаги ҳужжатларни илова қилишлари сўралади:

- 1. Лойиҳани амалга ошириш бўйича қабул қилинган норматив ҳужжат;*
- 2. 2020 йил 1 июлдан кейин маъқулланган халқаро шартнома нусхаси;*
- 3. Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи билан бош пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;*

*4. Мурожсаат юбораётган корхона томонидан тузилган шартнома нусхаси.*

**Иқтисодиёт ва молия вазири  
ўринбосари**



**А. Я. Хайдаров**

**Солиқ қўмитаси раисининг  
биринчи ўринбосари**



**М. М. Мирзаев**